

Иванка Трамп: Конгресс муҳим қарор қабул қилиши керак



10:30 / 21.11.2018 3843

АҚШ Президенти Дональд Трампнинг қизи ва айна пайтда маслаҳатчиси Иванка Трамп Конгресснинг Вакиллар палатасига сайланган биринчи рўмолли муслима Илҳан Умарни бош кийим масаласи бўйича киритган таклифини қўллаб-қувватлаган. Бу ҳақида Islam-today нашри [ёзган](#).

Иванка Трамп ўзининг Twitterдаги микроблогда Илҳан Умар ўз вазифаларини хотиржам бажариши учун 181 йилдан буён амалда бўлиб келаётган Конгрессга бош кийимда кириш мумкин эмас, деган қоидага ўзгартириш киритишни режалаштираётган демократларнинг интилишларига жавобан “Конгресс муҳим қарор қабул қилиши керак”, деб ёзган.

Маълумки, Конгресснинг мазкур қоидасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф демократларнинг Вакиллар палатасидаги лидери Ненси Пелоси ва Массачусеттс штатидан сайланган конгрессмен Жим Макговерн ҳамда Илҳан Умарнинг ўзи томонидан киритилган.

Islom.uz портали таҳририяти